


Тазкия дарслари (121-дарс). Ёлфоннинг сабаблари, турлари ва ҳукми



13:00 / 30.01.2021 3416

Ёлфоннинг сабаблари

Кишининг ёлфон ишлатишига бир неча сабаблар бор:

1. Фойда жалб қилиш. Ёлфончи ўзига фойда етишини кўзлаб, одамларни алдаб, ўз манфаати учун ёлфон гапирди.
2. Зарарни қайтариш. Ёлфончи ўзига етиши мумкин бўлган зарарни қайтариш мақсадида ҳам ёлфон тўқийди.

У ўзича шу тўғри йўл, деб ўйлайди. Аммо икки ҳолатда ҳам ўзига бу дунё ва охират зарарини жалб қилаётганини ўйламайди.

3. Сўзини чиройли ва гапни гўзал чиқармоқчи бўлиш. Бунда ёлфончи тўғри сўз ва рост гап ила одамларга ёқиш, уларнинг эътиборини тортиш имкони йўқ бўлганидан, уларга ёқадиган гап-сўз излаб, ёлфон тўқийди.

Ёлфон гапириш одатига айланиб қолгани ва нафси шу нарсани истайдиган бўлиб қолгани сабабли бу ишни қиладиганлар ҳам бор.

4. Душмандан ўч олиш мақсади. Бунда ёлфончи душманини шарманда қилиш ва ундан ўч олиб, кўнгли тўлиши учун ёлфон тўқийди.

5. Ўз обрўсини орттириш мақсади.

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мунофиқнинг белгиси учта: агар сўзласа, ёлғон сўзлайди, ваъда берса, бажармайди ва унга омонат топширилса, хиёнат қилади», дедилар».

Тўртовлари ривоят қилишган.

عَلَّصَ هَلْ لَ لُ وُسْرَ لَ لَ يَ قَ : أَلْ أَوْ هُنَّ أَلْ هَلْ لَ لَ يَ صَرَّ مَ لُ سَ نَبَّ نَ أَوْ فَصَّ نَ نَ وَكَيْ أَلْ لَ لَ يَ قَ : مَعَنَ : أَلْ أَوْ ؟ اِنَّا بَجُّنُ مُمْؤْمِلًا نَ وَكَيْ أَلْ : مَلَّ سَوَّ هَلْ لَ لَ هَلْ لَ لَ : أَلْ أَوْ ؟ اَبَا دَكُّنُ مُمْؤْمِلًا نَ وَكَيْ أَلْ : هَلْ لَ لَ يَ قَ : مَعَنَ : أَلْ أَوْ ؟ اَلْ يَحُّبُّ نَ مُمْؤْمِلًا : اَلْ : كَلَّ امُّ هَاوَرُ . اَلْ .

Имом Молик ривоят қилган ҳадиси шарифда Сафвон ибн Сулайм розияллоҳу анҳу айтадилар:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан «Мўмин қўрқоқ бўладими?» деб сўралди. «Ҳа», дедилар.

«Мўмин бахил бўладими?» деб сўралди. «Ҳа», дедилар.

«Мўмин ёлғончи бўладими?» деб сўралди. «Йўқ», дедилар».

لُ وُقَيُّ هُنَّ عَ هَلْ لَ لَ يَ صَرَّ رُ كَبَّ اَبَا تَعَمَّ سَ : اَلْ اَقِ مَزَاحِ يَ بَا نَبَّ سَيَّ قَ نَ : يَ قَ هَلْ لَ لَ يَ بَلَّ هَاوَرُ : اِنَّا مُمْؤْمِلًا لُ بِنَّا جُمَّ بَدَكُّ لَ اِنَّا : اَلْ : بَدَكُّ لَ اَوَّ مُمْؤْمِلًا اَلْ .

Қайс ибн Абу Ҳозимдан ривоят қилинади:

«Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг «Ёлғондан ҳазир бўлинглар! Албатта, ёлғон иймондан четлатувчидир», деганини эшитдим».

Байҳақий ривоят қилган.

Ёлғон ҳақидаги гаплардан намуналар:

– Умар ибн Хаттоб: «Мени рост пастлатгани (аслида унинг паслатиши нодир) ёлғон кўтарганидан (аслида унинг кўтариши нодир) яхшироқдир», деган.

– Арваа исмли аёл Саъид ибн Зайд ибн Амр ибн Нуфайл билан ҳовли талашиб, хусумат қилди. Шунда у (Саъид ибн Зайд): «Бу аёлни ўз ҳолига қўйинглар. Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ким бир қарич ерни ноҳақ олса, қиёмат куни етти қават ер унга тавқи лаънат бўлади», деганларини эшитганман. Аллоҳим! Агар бу аёл ёлғончи бўлса, кўзини кўр қилгин ва қабрини ҳовлисида қилгин», деди.

Мен ўша аёлнинг кўр бўлиб, деворларни пайпаслаб юрганини кўрдим. У: «Менга Саъид ибн Зайднинг дуоси тегди», дер эди. Бир куни ҳовлисида кетаётиб, қудуққа тушиб кетди ва ўша қудуқ унга қабр бўлди».

«Руҳий тарбия» китобидан